Маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир!

МАДАНИЯТ

МГ МАДАНИЯТ газетаси

№47 (129) 10.12.2020 йил

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ҳар қаричи муқаддас Ватан

Бугун гўё ҳаётимизда ўзгача тонг отмоқда, азиз Юртдошим!

Янгиланаётган Ўзбекистонимиздаги Учинчи Ренессанс – Янги Уйғониш даврининг биринчи Конституция куни!

Ҳозирги кунда бутун дунёни ўз исканжасида ушлаб турган пандемия ҳам тараққиётимизга, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга тўсқинлик қилолмайдиган мардона халқи, ҳаётбахш қудратга эга бахт Қомуси бор юртимизнинг тонглари барчамизга муборак бўлсин!

Сўнгги йилларда жадаллик билан олиб борилаётган ҳар бир соҳадаги ислоҳот одимлари, хусусан, санъат ва маданиятдаги улкан ўзгариш, юксалишлар замирида мамлакатимизда ҳукм сураётган, дунёнинг кўп давлатларига орзу бўлиб қолаётган тинчлигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати адолатга асосланган Конституциясига эга қудратли Ватанимиз бор.

Қомусимизнинг ҳар бир боби, ҳар бир бандида инсон манфаатлари, жамият тараққиётини таъминлаш, фуқароларини ҳимоялаш мақсади устувор.

Ҳозирги кунда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, аҳоли соғлигини сақлаш, тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратиш, эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган, Конституция ва қонун устувор бўлган жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаро шундай улкан имкониятларнинг қадрига етиши, Қонунда белгиланган ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланар эканмиз, унинг адолатли талабларига жавоб бериш асосий мақсадимиз бўлиши керак. Зеро, унда халқимизнинг асрий орзулари, уларга етишишга бўлган мустаҳкам ишончи мужассам.

Муҳтарам Президентимиз Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида таъкидлаганидек, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида! Халқимизнинг жаҳон айвонида ўз ўрни, обрў-эътибори бўлиши, унинг ҳар томонлама комилликка эришиши учун илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кўз ўнгимизда амалга оширилмоқда. Буни идрок этиш, фахру ифтихор қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни, барча соҳа ходимларини, жумладан, маданият ва санъатимиз жонкуярларини ушбу қутлуғ кун билан яна бир бор муборакбод этар эканмиз, давлатимиз раҳбари таъкидлаган Учинчи Ренессанс – Янги Уйғониш даври пойдеворини қуришда биргаликда якдиллик билан фаол иштирок этайлик! Зеро, унинг ҳар бир қарич ери муқаддас, "Шу ватан, шу тупроқ бизники"дир.

Янги тонг отмоқда, шу қутлуғ эртамизда эзгу орзу ниятларнинг барчаси рўёбга чиқсин!

Ушбу сонда

Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида
3-саҳифада

Босма матбуотми ёки интернет: қай бирини танлайсиз?

4-саҳифада

Қашқадарёдаги ноёб ёдгорликлар бешталиги
5-саҳифада

Мусофирнинг қадри бўлмайди(ми?)
6-саҳифада

Қутлов!

Табаррук ёшингиз муборак бўлсин!

Санъат соҳасида, ҳаёт саҳнасида 60 йил фаолият юритиб, ўзининг бетакрор роллари, камтарликка, соф инсоний туйғуларга йўғрилган ижоди билан мухлислар қалбини забт этган, нуроний ёшида ҳам "Шум бола"нинг беғуборликларини ўзида сақлаб қолган севимли актёримиз, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев табаррук 80 ёшни қаршиладилар.

Табиатан қувноқ, очиққўнгил, аммо кези келганда донишманд, баъзида қаттиққўл устозимизнинг Ўзбекистон санъати ва маданияти ривожи йўлидаги хизматлари беқиёс. Кино ва театр соҳасида яратган 100дан ортиқ роллари, хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик – беғуборлиги, юраклдан, берилиб ижро этилиши билан хотирага муҳрланиб қолган. Ёш томошабинлар театридан бошланган ижодий фаолият кейинчалик "Ой бориб, омон қайт", "Тўйлар муборак", "Чинор", "Ўтов", "Алпомиш", "Осмон яқин", "Суиқасд" каби кинофильмларидаги ёрқин роллари билан янада сайқаллашган, томошабин меҳрини қозонган. Болажонларнинг севимли киножурнали "Зумраша"да ҳам у кишининг заҳматли меҳнатлари, устозлик сабоқлари сезилиб туради.

Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ёшларга касб сирларини ўргатиб келаётган қадрдон масканида Маданият вазирлиги томонидан устоз санъаткорнинг 80 йиллик юбилейи нишонланмоқда. Хайрулла Саъдиев Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан тақдирланди.

Ёшларимизнинг севимли мураббийси, устоз санъаткоримизни шукрона кунлари ва юксак унвони билан қутлар эканмиз, "Келгусида 100 ёшингизни ҳам нишонлаш насиб этсин!" деймиз.

Зеро, ўз касбини чин дилидан севадиган, одамларга яхшилик тилаб, самимий кулги улашиб яшайдиган беғубор қалб эгаларининг хосиятли умри бардавом бўлгусидир.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Маданият вазири

Донолар сўзлайди...

Эгаси фахрланаётган қанчадан-қанча башанг пойабзаллар ичида йиртиқ пайпоқлар ҳам бор.
Суқрот

Агар Ватан ҳимоя, адолат ва муҳаббатдан холи бўлса, фуқаролар мусофирга айланиб қолади.
Мустафо Амийн

Одамлар бурчларини унутишга, ҳуқуқларини эслашга мойил бўладилар.
Индира Ганди

Тадбир

“Ҳақ олинур, берилмас”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Сайид очиб, Президентимиз ташаббуси билан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний сингари маърифатпарварлар давлатимизнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани миллий ўзликни англаш, ҳуррият йўлида жон фидо этганлар хотирасига кўрсатилган чексиз ҳурматнинг амалдаги исботи эканини, бугунги шиддатли янгиланиш жараёнларида уларнинг фидойилиги, илмга, тараққиётга интилгани ҳар жиҳатдан ибрат эканини таъкидлади. Анжуманда, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, филология фанлари доктори Зайнобиддин Абдурашидов, Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори Зоҳиджон Исломов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошевлар ҳам сўзга чиқиб, маърифатпарвар бобомизнинг бизга қолдирган илмий-адабий меросини фахр билан тилга олишди.

Ҳа, юртимизни мустамлакачилардан озод, халқни саводли, онги ва виждони уйғоқ кўриш Беҳбудийнинг орзуси эди.

Тадбир давомида Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид “Беҳбудийга бағишлов” шеърини ўқиб берди. Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари эса “Беҳбудий монологи”ни ижро этиб, аллома асари асосидаги спектаклдан лавҳаларни намойиш қилишди.

Байрамона кайфият

Қўғирчоқ театридан болаларга совға

Маълумки, БМТ бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги қарорига кўра, ҳар йили 3 декабрь куни бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам Халқаро ногиронлар куни нишонланади. Унинг асосий мақсади – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ногиронлар ҳуқуқларини илгари суриш, шунингдек, кенг жамоатчилик эътиборини улар муаммосига жалб этишдир.

Шу муносабат билан Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Қўрғонтепа “Мурувват” интернат уйида болалар учун тадбир бўлиб ўтди.

Кечанинг файзли ўтишида вилоят қўғирчоқ театри ижодий жамоаси ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси бўлинмаси хонандаларининг хизмати катта бўлди. Улар ўз чиқишлари билан болаларга байрамона кайфият улашишди.

Ёдгорликларимиз

Фаёзтепа тарихи

Фаёзтепа – Кушон (Термиз) деворларининг шимоли ғарби, Қоратепанинг шимолий ёнидаги текисликларда шимоли ғарбдан жануби шарққа йўналтириб қурилган буддизм зиёратгоҳи, сангарама типидаги ибодатхона мажмуаси. У тўртбурчак шаклидаги ички ҳовлиси деворлар бўйлаб яхлит айвон билан ўралган иморатдир.

Ушбу ёдгорликнинг қурилган вақти Кушон-Бақтрия даврига – бинокорлик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ривожланган, яъни милоднинг I-II асрларига тўғри келади.

Жамланма асосан уч қисмдан: Ҳиндистон меъморчилигига кўра қурилган коҳинлар ётоқхонаси, Марказий ибодатхона ҳамда Коҳин жамоаси учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлайдиган хўжалик ва ёрдамчи бўлимлардан иборат.

Асосий қисмларидан бири – дини муқаддас, табаррук ёдгорликларни сақлайдиган жой – Сангарама шарқи кунгурасимон (цилиндрсимон) бўлиб, пастки қисми туртиб чиққандек плентусланган ховончадир. У хом ғиштдан терилган. Усти оппоқ (қорсимон) ганч билан сувалган. Ховонча тепасига диний табаррук ёдгорлик “Хармика”нинг тўртбурчак шаклдаги “Хурмат” соябони ўрнатилган хода (таёқ) ва ходаки ясалган.

Ховонча ибодатхонасининг бошқа жамланмалари “Сиймо уйи”дан топилган оҳакли тоши Бургут (Хожа Ғулсувар)дан олиб келинган. Оҳакгилтошидан моҳирона ишланган 118 килограммли ҳайкал ҳам бор. Бу даргоҳга ховончага ғишт ва оҳакгил тошлари парчалари ётқизилган йўл ўтказилган.

Марказий ибодатхона атрофида катта-кичик, яъни зиёратгоҳ, ҳужра ва жамоа йиғини хоналари бўлган. Монастир ибодатхона билан бир эшик орқали туташтирилган. Бу эшик ибодатхона ҳовлисининг ғарбий девори шимолий-ғарбий қисмидадир. Эшикнинг ҳовли тарафдаги ён қисмида оҳакгил тошининг катта-катта бўлакларидан териб қурилган ҳовузча бўлган. Ҳовузчанинг бир томони иккинчисидан торроқ. Шу тарафида оғзи очиқ калла тасвирланган сув чиқариш жўмраги бўлган. Бу ҳовузча диний маросимларда ювиниш учун қурилган деган тахминлар бор. Ибодатхона токчаларида ичи лой билан тўлдирилган кўплаб ганч ҳайкалчалар бўлган.

Гулчеҳра ЮЗБАЕВА,
Суҳроб ҚУРБОНОВ

Асосий Қонунимиз

Конституция (лотинча “Constitution” – тузилиш, тузук) – мамлакатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Конституция – бош қомусимиз!

“Конституция” атамаси Қадимги Римдаёқ маълум бўлган (император Конституцияси деб аталган қонун). Тарихда “Темур Тузуклар”и Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Асосий Қонунимиз – Конституциямиз яратилишининг мураккаб ва муҳим, айни чогда шарафли солномасига назар солар эканмиз, шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аввало, конституциявий “бино”нинг қурилишида уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Бунда Ўзбекистоннинг қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, маърифатпарвар аждодларимиз, халқимизнинг тарихий анъаналари ва унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрлик орзулари мужассам этилган.

Қолаверса, манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиқиб, асосий Қонунимиз Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 97 та мамлакати тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олиб яратилган.

Шу ўринда Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва унинг амал қилиши йўлидаги кўплаб ҳуқуқий қадамларни бу борадаги энг муҳим тарихий воқеалар сифатида санаб ўтиш лозим. Конституцияни яратиш тарихи бу мустақиллик учун курашнинг узвий таркибий қисмидир.

Конституцияни яратиш йўлидаги илк ҳуқуқий қадам – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши. Шу қаторда Президентлик институти таъсис этилган ва янги давлат рамзларини тайёрлаш бўйича комиссия тузилган. 1990 йил март ойида ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида собиқ иттифоқ таркибидаги республикамизда Президентлик лавозими жорий этилиб, давлат рамзлари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш ғояси илк бор ана шу сессияда илгари сурилган.

Конституцияни яратиш йўлида – “Мустақиллик декларацияси” эълон қилинган. Унинг 8-бандида Ўзбекистон “ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади” деган қоида мустаҳкамланган. 12-бандида эса ушбу ҳужжат республиканинг “янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос” бўлиши қайд этилган.

Конституциямизни яратишда Конституциявий комиссия ташкил этилган.

Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилган ва унинг лойиҳаси 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланган.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган. Ушбу санадан эътиборан дунё саҳнида янги, суверен давлат қарор топган бўлса, биринчи Конституциямиз қабул қилинган кун – давлатимиз янгидан туғилди, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор қўйилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида қабул қилинди. Шунингдек, янги мустақил жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Бош қомусимиз – Конституциямиз муқаддима, 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.

Конституция матни илк бор 1992 йил 15 декабрь куни «Халқ сўзи» газетасининг 247-сонида эълон қилинган.

Ўтган 28 йил давомида Конституцияга 11 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. 127-моддага кўра, Конституцияга ўзгартириш Қонунчилик палатаси ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирокида қабул қилинган қонун асосида ёки референдум йўли билан киритилади.

Маълумот учун: Конституция матнида энг кўп қўлланилган сўзлар: Республика – 390 марта, Ўзбекистон – 354 марта, қонун – 210 марта, давлат – 98 марта, ҳуқуқ – 90 марта, Конституция – 70 марта, фуқаро – 66 марта, Президент – 62 марта, Қорақалпоғистон – 33 марта, шахс – 32 марта, эркинлик – 27 марта, халқ – 24 марта, демократия – 7 марта. Жами матн – 7543 та сўздан иборат.

Шу қаторда ҳар йили сана муносабати билан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари томонидан музейда ва жойларда кўргазмалар ҳамда тадбирлар ташкил этилади. Жорий йилда ҳам Конституциямизнинг 28 йиллиги кенг нишонланди.

Д.ХАСАНБОЕВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

"Дебют"

Фестивалга старт берилди

Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ёш режиссёрлар, актёр, драматург ва саҳна рассоми соҳалари бўйича ижодкорларни аниқлаш, улар иқтидорини юзага чиқариш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратишлари учун уларда тажриба ва профессионал маҳорат шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида ёш ижодкорларнинг "Дебют – 2020" Республика кўрик фестивалини ўтказиш белгиланган.

"Дебют" ёш ижодкорлар фестивали биринчи бор 2005 йилда ўтказилган бўлиб, ўша йили 10 нафар, 2008 йилда 12, 2010 йилда 12, 2012 йилда 14, 2014 йил 10 нафар драматург, 5 нафар режиссёр, 8 нафар актёр, 10 нафар театр рассоми, 2018 йилда 17 нафар режиссёрлар профессионал саҳнада илк маротаба ўз бадиий ижод намуналарини кенг жамоатчилик ва мутахассислар эътиборига ҳавола этишган. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги республика театрларида ўз фаолиятларини олиб боришмоқда. 2020 йил 10 – 15 декабрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган "Дебют – 2020" ёш режиссёрларнинг VI Республика кўрик-фестивалига 9 нафар иштирок танлаб олинди. Улар жанр ва мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги билан аҳамиятлидир. Пандемия муносабати билан бу йилги кўрик-фестивал онлайн ўтказилмоқда. Бунда аввалдан ёзиб олинган спектакллар ижтимоий тармоқларга жойланади ва белгиланган кун ҳамда вақтларда кенг жамоатчиликка тақдим этилади. Спектакллар муҳокамаси ZOOM платформаси орқали ўтказилади.

Оҳанг ва анъанавийлик

Ҳозирда миллий мафкурани шакллантириш, ёш хонанда ва созандаларни асрлар давомида шаклланиб келган бой маданий меросимиз, анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, истеъдодли хонандаларни кашф этиш, устоз санъаткорларнинг бетакрор ижрочилик услубларини янада ривожлантириш мақсадини кўзловчи танловлар ўтказиб келинмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек мусиқа санъатининг ривожига қаратилган.



Вокал фанини ўқитиш усуллари

Барчамизга маълумки, инсон комиллиги ва эстетик тарбиясида, маънавий дунёси шаклланишида мусиқа, қўшиқ, хусусан, вокал санъатининг аҳамияти катта.

Бир қанча хорижлик мутахассислар мусиқа, жумладан, вокал асарларидан нафақат эстетик тарбия воситаси, балки инсон руҳияти билан ишлашда, депрессиянинг олдини олиш ва даволашда самарадорликка эришган.

Миллий вокал санъати бугунги кунда ривожланиб, оламга донг таратмоқда. Атоқли композиторлар Мутаваккил Бурхонов, Икром Акбаров, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Дони Зокиров кабилар яратган ўлмас асарлар ва уларни юксак маҳорат ила ижро этган хонандалар Ботир Зокиров, Назира Аҳмедова Саодат Қобуловаларнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари туфайли вокал санъатининг миллий шакли вужудга келди. Бунда композиторлик ижоди ва Европача куйлаш миллий оҳанг ва анъанавий хонандалик услублари билан ҳамоҳанг бўлди.

Ушбу шарафли анъанани изланувчан ижодлари билан давом эттираётган кейинги авлод композиторлари Дилором Омонуллаева, Надим Норхўжаев, Алишер Икромов, Дони Илёсов ва ўзига хос куйлаш услубига эга истеъдод эгалари Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кумуш Раззоқова, Севара Назархонлар ижодий изланишлари натижасида ҳозирда вокал ижрочилигимизнинг миллий мактаби шаклланиб, янада ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда вокал фани Ўзбекистон давлат консерваториясида, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таълим йўналишлари бўйича ўтиладиган асосий фанлардан бўлиб, юртимизнинг барча ҳудудларидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида ҳам йўлга қўйилган.

Вокал фанининг асосий мақсади, унинг воситасида бўлажак актёр ёки хонанданинг эстетик ва бадиий дидини тарбиялаш, уларни овоз қўйиш малакаси билан қуроллантириш, бадиий ижрочилик маҳоратини ўстириш, профессионал услубда куйлаш маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.

Бош вазифаси эса – ватанпарварлик руҳида тарбияланган ва ўзининг юқори савияси, ахлоқий комиллиги билан замонавий талабларга жавоб берувчи хонанда актёрларни етиштиришдир.

Мазкур фанни ўзлаштириш натижасида қўшиқлар таснифи, таниқли хонандалар репертуарини, овоз созлаш машқлари, овоз тарбияси, баланд ва паст овозда куйлашни, маҳаллий ижро услубларини, ўз овозини чолғуга мослаштириш, репертуар танлаш, жўровозликда куйлашни билиши ва улардан фойдалана олиши мумкин.

Вокал фанини ўқитиш жараёнида амалий ва якка машғулотларни ташкил этиш бўйича қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

-ижрочилик ҳолатини ўзлаштириш;

-нафас олиш ва нафас чиқариш услубларини ўзлаштириш;

-ёқимли ва майин товуш ҳосил қилиш;

-сўзлар ва бўғинларни аниқ ва равон талаффуз этиш;

-товуш йўналиши бобидаги санъат малакаларини ўзлаштириш;

-қўшиқнинг табиати ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда бўлимларга ажратиб ўрганиш;

-қўшиқ куйини, гармониясини алоҳида ўрганиш;

-қўшиқни бир бутун мусиқий асар сифатида ўрганиш ва ўзлаштириш.

Қўшиқ айтиш давомида артикуляция аппаратининг аҳамияти нечоғли катта эканлиги маълум. Шу боис унинг эркин ишлатилиши, унли ва ундош товушларнинг тўғри талаффуз этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчи ёки талаба ўргана бошлаган қўшиғининг муаллифи, ижодий фаолияти, унинг ўзига хос жиҳатлари ва ўзбек миллий мусиқа маданиятида тутган ўрни ҳақида ўқиб, билиб олиши зарур. Сўнгра қўшиқнинг сўзлари, мазмунини англаб етмоғи даркор. Кейинчалик қўшиқнинг куйини, гармония ва фортепиано партиясини ўрганиши керак. Шундагина у қўшиқнинг табиати, мазмуни ва характерини идрок этиши мумкин.

Ўқишнинг бошланғич босқичида мустақил ишни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қандай топиш, таҳлил қилиш, ўз вақтини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини аниқ баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Қисқа қилиб айтганда, мустақил таълим олишга тайёр бўлишмайди.

Мустақил иш – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим.

Вокал санъати – мусиқа ижрочилигининг бирмунча қулай тури. Бу инсонга табиат томонидан инъом этилган ва доим ривожланишда бўлган овоз – "табиий чолғу" билан боғлиқ. Қўшиқчилик кўникмасини тарбиялашнинг ўзи айни пайтда инсон туйғуси ва ҳис-ҳаяжонини тарбиялашдир. Зотан, қўшиқчилик истеъдоди ўзининг эмоционал асосига эга.

Маълумки, вокал санъати сўз билан боғлиқ, бу ўз навбатида вокал асарларини бир мунча аниқ тушунишга замин яратади. Асарнинг мазмуни эса шеърий матн ва мусиқавий ифода воситасида очиб берилади. Мусиқавий ифода унинг ғоявий эмоционал аҳамиятини оширишда муҳим омилга айланади.

Замонавий санъат таълимида "Вокал" фани ўқитувчиси қуйидаги фазилатларга, қолаверса, мажбуриятларга эга бўлиши лозим:

-энг аввало, шахс сифатида шаклланганлиги;

-сиёсий етуклиги;

-ўз соҳасини чуқур ўзлаштирганлиги;

-ўз устида мунтазам ишлаши;

-дарс машғулотларини аниқ ва содда, равон ва мазмунли олиб бориши;

-мунтазам равишда матбуот ва интернет хабарлари билан танишиб бориши.

Ҳозирги инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва уни баҳолашга қодир, шунингдек, зарур қарорлар қабул қилувчи мустақил ҳамда эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Ф.ХАЙИТОВ,
Самарқанд вилояти маданият бошқармаси
Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси

Конференция

Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг илмий ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, ёшларнинг илмий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг инновацион лойиҳалари ҳамда ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этиш каби муҳим масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистрантларининг "Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Унда маданият ва санъат соҳасини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, халқимиз маданиятини, маънавиятини ҳамда дунёқарашини оширишда садоқат билан хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Магистрантларнинг илмий тадқиқот фаолиятлари юзасидан амалга оширган ишлари иштирок этган профессор-ўқитувчилар орасида атрофлича муҳокама қилиниб, керакли тавсиялар берилди. Шунингдек, илмий-амалий конференция якунида янгиланаётган Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасини илмий тадқиқотлар асосида ривожлантириш, миллий маданиятимизни такомиллаштириш, моддий-маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашувини таъминлаш, миллатлараро муомала маданиятини шакллантириш, ёшларни юксак илм-маърифат эгалари қилиб тарбиялашда ҳар биримиз масъул эканлигимиз, ватанимизнинг порлоқ келажаги ёш олимлар фаолиятига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди

Камолиддин УМАРОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистранти

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

Инсонийлик – олий неъмат

3 декабрь куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида ҳам 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Кечани вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори З.Собиров очиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳамда давлат ҳаётида ҳар томонлама рағбатлантириш кераклигини, шунингдек, чекловларга йўл қўймаслик орқали улар ҳаётини яхшилаш лозимлигини айтиб ўтди.

Тадбир давомида ногиронлиги бўлган кутубхона ходимларига кўтаринки кайфият улашиш мақсадида Хоразм вилоят маданият бошқармаси касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

С.МЎМИНОВ,
Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси мутахассиси

Маданий алоқалар

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Жамол Носиров ҳамда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда маданият ва санъат соҳасидаги икки давлат ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати муҳокама этилди.

Жумладан, дунё бўйлаб коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият юмшагач, 2021 йилда икки давлат ўртасида маданият йилларини ўтказиш, Сурхондарё вилоятида жойлашган Фаёзтепа ва Қоратепа археологик ёдгорликларини ҳамкорликда реставрация қилиш ҳамда ҳинд томони грант маблағларини жалб этиш, икки давлат музейларида сақланаётган экспонатларнинг 3D шаклидаги электрон нусхаларини алмашиш ва виртуал кўргазма ташкил этиш, маданият соҳасида ўзбек талабалари учун қисқа ўқув курсларини очиш каби таклифлар билдирилди. Шунингдек, ушбу ишларни амалга ошириш масалалари келишиб олинди.

Кун танлови

Ҳаётимизга интернет, ижтимоий тармоқларнинг кириб келиши электрон оммавий ахборот воситалари имкониятини анча кенгайтирди. Шу боис, мутахассислар бугунги матбуотни оғир юк кўтариб кетаётган карвонга ўхшатишмоқда. Газеталар ададини кузатар эканмиз, борган сари пастлаётган рақамларга дуч келаяпмиз.

Сўнгги пайтларда гўё "Мажбурий обунага қаршимиз" дея жар солиб, зиёлиларни ҳам ушбу даъватга чорлаётганлар, газета ва журналлар ўрнини аллақачон интернет эгаллади, деб "ўта замонавий" фикр юритаётганлар ҳам кўп орамизда. Хўш, улар ҳақми? Кучли жамият, маърифатли халқ бўлиб шаклланишимизда интернетнинг ўзи етарлимикин? Қуйида соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашамиз....

Босма матбуотми ёки интернет: қай бирини танлайсиз?

Газета ўқишнинг завқи бўлакча...

Ҳулкар УЗОҚОВА, журналист, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси:

Шуни баралла айтиш мумкинки, ҳар нарсанинг ўз ўрни, мақсад ва вазифалари бўлганидек, на ахборот сайтлари, на ижтимоий тармоқлар матбуот вазифасини бажаришга қодир эмас. Бир устоз журналист ўз мулоҳазасида газета-журнални ўқиш ҳақида гапираркан, унинг ҳидини туйган ҳолда мутолаа қилиш кишига нақадар ҳузур бағишлаши, бу ни газета ва журнални яхши кўра олган инсонгина тушуниши ҳамда дилдан ҳис қилишини айтган. Ҳа, янги чоп этилган газетани варақлаш ва ҳидини туйган ҳолда ўқиш завқи ўзгача.

Афсуски, босма матбуотнинг бугунги аҳволи, фаолияти бевосита у билан боғлиқ бўлганлар, жамият зиёлилари, миллат маънавияти ва маърифати учун жон куйдирувчилардан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. Ҳатто, соҳа ривожи йўлида хизмат қилиши керак бўлган айрим масъуллар ҳам техника-технология ривожланган бугунги даврда босма матбуотдан секинлик билан воз кечиш керак, деган иддаони қилишди. Миллат маънавияти тарбиячиси саналган айрим зиёлилар, ўқитувчилар босма нашрлар учун обуна бўлишни малол билишди.

Бошқа бирлари эса ҳамма нарсани интернет орқали зумда билиб олаяпмиз, ойда бир чиқадиган журналу ҳафтада бир-иккита чоп этиладиган газеталар "тезкорлик тамойили"га жавоб бермайди, дея осонгина босма нашрлардан юз ўгирмоқда. Натижада, шартли равишда айтадиган бўлсак, босма матбуот билан алоқасиз ўтаётган даврда:

- омма орасида асл манбаси, тақратувчиси маълум бўлмаган хабарлар ёйилди;

- миллий маънавиятимиз, муқаддас динимизга раҳна солиш ниятида бўлган кучлар очиқчасига (асосан, интернет тармоқлари орқали) таҳдид қила бошлади;

- тегишли мутахассислар томонидан асосланмаган, ноўрин ва ножоиз фикрлар, хулосалар тезда тарқалиб, аҳоли орасида ваҳима, қўрқув, тушкунлик каби салбий кайфиятни оммалаштирди.

Бу рўйхат узоқ давом этади аслида. Агар омма газета-журнал ўқиганида эди, юқорида келтирилган барча ҳолатларда ҳам асл манбани қидиришни, кимга ва ёки қайси хабар тарқатувчига ишонса бўлишини, муаммо ёки бирор қулфат моҳиятини тушуниб етишни, яқинлар ва таниш билишларга қуруқ миш-миш эмас, аниқ маълумот ва хабарларни стказишни ўрганган бўлар эди, назаримда.

Босма матбуот ўқитувчилар учун жуда зарур!

Феруза ЭШОНҚУЛОВА, инглиз тили ўқитувчиси, Қарши шаҳри:

Энг ривожланган давлатларга эътибор берсак, аҳолиси тонгни газета ва қаҳва билан кутиб олиб, юртидаги ва хориждаги янгиликлардан бохабар бўлишади. Ҳаттоки, автобус, метро ёки бошқа транспортларда ҳам газета ёки журнал мутолаа қилаётганларни кўп учратамиз. Бизда-чи? Қаёққа қараманг, ёшу кексанинг қўлида шапалоқдай келадиган ялси алоқа воситаси! Ҳамма интернетда. Ваҳимали хабарлар, ёлғон-яшиқ янгиликлар, бемаъни видеороликларга муккасидан кетган... Демак, минг афсуски, интернет имкониятларидан ҳамма ҳам бирдек тўғри фойдаланмаяпти.

Болалигимни эсласам, аввал "Ғунча", кейин "Ёшлик", "Шарқ юлдузи", "Тафаккур" журналларини ўқиб улғайдик. Онам ўқитувчи бўлгани учун таълимга оид газета ва журналлар билан бирга "Ёшлик" ва "Шарқ юлдузи"нинг доимий обуначиси эдилар. Бизларга "Журналларни йиртиш, буклаш мумкин эмас. Улар ҳам нондай азиз" деб ўргатишарди. Улардаги ҳикоя, шеър, роман ёки қиссаларни ўзгача қизиқиш билан ўқиганман. Айниқса, каттароқ асарларнинг "давоми кейинги сонда" бўлгани боис интиқлик билан кутардим...

Ҳозирги кунда ҳам бир қанча газета ва журналлар доимий ҳамроҳим. Ўқитувчи бўлганим боис босма матбуот, айниқса, биз ўқитувчилар учун жуда зарур, деб ҳисоблайман. Инсоннинг маънан юксалиши, дунёқарашининг кенгайиши, тафаккури тиниқлашиши, ақлий салоҳияти равшанлашиши учун ҳам газета ва журналларнинг аҳамияти беқиёс.

Яна бир ҳақиқат шуки, "Instagram", "Facebook", "Youtube", "Telegram" сингари тармоқлар қанчалик тез оммавийлашмасин, барибир одамларнинг газета ўқишга, ундан маънавий озуқа олишга бўлган эҳтиёжи сақланиб қолаверади. Чунки босма нашрларни олий маълумотли журналистлар, тилшунослар, адиблар, шоирлар, турли соҳа олимлари ва педагогларининг ўзаро ҳамкорликдаги машаққатли меҳнати самараси деб биламан.

Обуна бўйича тарғибот ишларини кучайтириш лозим

Камола АБДУВАЛИЕВА, "Миллий тикланиш" партияси Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби:

Ахборот бозорида танлаш имконияти кенгаймоқда. Рақобат ҳам авжига чиқаётгани айни ҳақиқат. Бу жараёнда оддий воқеликни бўрттириб, қора пиар қоғозига ўраб, унинг харидоргирлигини ошираётган олгир ахборот тарқатувчиларининг қўли баланд келаётганини ҳам тан олиш керак.

Босма матбуотни қўллаб-қувватлаш учун ўтказилаётган ўқув семинарлари, давра суҳбатларининг ташкил қилинаётгани, қалам аҳлининг бу борада куюниб, мақола ва мулоҳазаларини ОАВларида баён этиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта. Аммо уларнинг молиявий қўллаб-қувватланиши энг муҳим масала бўлиб қолаверади. Фикримизча, туман-шаҳар газеталари чоп этилишини бюджетдан молиялаштириш, таҳририятларни моддий қўллаб-қувватлаш лозим. Акс ҳолда, таҳририятлар бирин-кетин ўз фаолиятларини тўхтатишда давом этади. Аммо яшин тезлигида кечаётган ҳозирги ахборот алмашинуви жараёни ҳамда рақобат муҳитида миллий ахборот маконимизни сақлаб қолишимиз ўта муҳим масаладир.

Ўрганишларимизда, 2017-2018 йилларда вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан босма нашрларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилган. Бу асосан обуна ташкил этиш ишларида ўз аксини топган эди. Бироқ уларга охирги йилларда бундай амалий ёрдам кўрсатилмади. 2021 йил учун муассисларимиз "ҳиммат" кўрсатадиларми-йўқми, билмадим?!

Аммо шуни аниқ тахмин қилиш мумкинки, муассислар ўз ҳудудларидаги босма нашрларга маблағ ажратмаса, ўзи шундоқ ҳам жар ёқасига келиб қолган газеталар билан видолашишимизга тўғри келади.

Бироқ "Қўл билан берганга, қуш тўймас" деган нақл бежизга айтилмаган. "Қиш ғамини ёзда е" деганларидек, обуна бўйича тарғибот ишларини ҳозирдан кучайтириш, газеталар аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилиш ҳам зарурдир.

Лекин бош муҳаррирларимизга ҳам айтаримиз бор. Аллақачон давр ҳам, ахборот бозорининг талаби ҳам ўзгарган. Таҳририятлар фаолиятини ташкил қилишнинг бошқа механизмларини ишга солиш даври келди. Муштарий сизнинг газетангизга бир йил олдиндан тўлов қилар экан, у албатта ушбу нашрга обуна бўлиб, мутолаа завқини туюшига ишониш керак. Ахир, бугуннинг одамлари газетага сомса ёки гўшт ўраш учунгина обуна бўлишмайди-ку.

Бугун бутун дунё интернет тармоғидан кенг фойдаланади. Уларда босма матбуот ҳам яшамоқда. Бироқ биласизми, нега ривожланган давлатларда ҳалигача босма матбуот ўз долзарблигини йўқотмади, нега интернетга ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермади?! Балки, биз бу борадаги халқаро тажрибаларни ўрганишимиз ва амалиётда қўллашимиз керакдир?!

Босма матбуотда жуда катта куч бор

Шаҳбоз ЗАРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси бош мутахассиси:

Ҳақиқатан, бугун босма матбуотнинг аҳволи долзарб мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Яқиндагина Юртбошимиз ҳам 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами арафасидаги нутқларида газета ва журналларнинг бугунги аҳволи, обуна масаласига ҳам тўхталдилар: "Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япония. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор".

Шундай экан, одамларни газета-журнал ўқишга қайтариш зарур. Интернет ёрдамида хабар ва янгиликларни тез, осон ўқиш имконига эга бўлдик, бунга ҳожат қолмади, дегувчилар хато ўйлашади. У сизнинг фақат ахборотга бўлган кунлик эҳтиёжингизни қондиради, холос. Тафаккурингизни ўстирмайди, мушоҳада қилишга ундамайди, саводхонликни оширмайди. Босма матбуотда эса ана шундай куч, имконият мавжуд.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, бизда аҳолини газеталарга қизиқтириш, жалб этиш методикаси йўқ, шунингдек, газеталарни обуначилар манзилига стказиб бериш хизмати жуда эски тизимда ишлайди. Шу сабабдан ҳозир кўпчилик смартфонлардан интернетга осонгина кириб, янгиликлардан бохабар бўлишни маъқул кўрмоқда. Бундан ташқари, газета ва журналлар нархи ҳам қиммат бўлиб кетган. Ваҳоланки, матбуот соҳасида, айниқса, матбуот бўйича хизмат кўрсатиш тизимида кўпгина ислоҳ этилиши керак бўлган муаммолар бор.

Яна бир гап. Матбуот дўконларида сотувчилик қиладиганларнинг деярли 85 фоизи газета, журнал ўқимайди. Ўзи сотаётган газеталарнинг савия қай даражада эканлигини, мижозларни газеталарига жалб этиш учун реклама қилишни билишмайди. Масалан, АОКА ана шу матбуотчилар, яъни сотувчилар учун бепул малака курслари, семинарлар ташкил этиб, (албатта қай йўсинда республика бўйлаб матбуотчи-сотувчиларни тўплайди, бу уларнинг ўзига ҳавола. Керак бўлса, унга ҳам ғоя ўйлаб чиқамиз) замонавий матбуот, хизмат кўрсатиш бўйича янги методларни ўргатиб бориши зарур.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, босма матбуотнинг ҳаётимиздаги ўрни, долзарблиги ҳеч қачон йўқолмайди. Чунки миллат маънавиятини асрашда, ёшлар қалбига миллий ғурурни, ватанга садоқат ва муҳаббатни, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат ҳиссини сингдиришда, бу туйғулар умрбоқийлигини таъминлашда матбуотнинг ўрни беқиёс. Аслида биз босма матбуотни эмас, унинг тимсолида маънавиятимизни ҳам йўқотиб бораётганимизни англашимиз керак. Шу маънода Президентимизнинг босма матбуотга қаратган эътиборини келажакка эътибор, деб тушунмоғимиз лозим.

К.АҲМЕДОВА тайёрлади

Натижалар

Танлов якунига етди

Ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан 2020 йилнинг 10 августида эълон қилинган Замонавий драматик, мусиқали драма ва қўғирчоқ пьесалари танлови якунига етди.

Мазкур танловнинг вазифаси Республикамизда фаолият юритаётган профессионал театр санъатини ривожлантириб, янги босқичга кўтариш, тсатрлар репертуарини бойитиб бориш учун ҳар жиҳатдан мукаммал саҳна асарлари базасини шакллантириш, мамлакатимизда ижод қилаётган драматург, ёзувчи ва шоирларни соҳага кенг жалб қилиш, ёш қаламкашлар ижод маҳсулларини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантириб боришдан иборатдир.

Танловга тақдим этилган 40 дан ортиқ саҳна асарлари Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадиий баҳолаш комиссияси томонидан кўриб чиқилди ва баҳоланди.

Натижаларга кўра:

Замонавий драматик йўналиши бўйича 1 ўринга муносиб асар келиб тушмади, 2-ўрин бўйича К.Ҳамроевнинг "Адолат тантанаси" ва 3-ўрин учун Ж.Маҳмуднинг "Тўғон" драмаси ғолиб деб топилди.

Мусиқали драма йўналишига муносиб асарлар йўқлиги сабабли ўринлар белгиланмади.

Қўғирчоқ пьесалар йўналиши бўйича 1-ўринга муносиб асар келиб тушмаган, 2-ўрин У.Усаровнинг "Хонатлас", 3-ўрин М.Очилованинг "Ботир йигит ва Пари қиз" асарига берилган.

Танловда иштирок этган 30 га яқин асарлар давлат тсатрларида саҳналаштириш учун Бадиий кснгашлларга кўриб чиқиш мақсадида тавсия этилди.

Маданият вазирлиги
Ахборот ва матбуот хизмати

Кеча ва бугун

Амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи ушбу мақомни олгунга қадар катта тарихий йўлни босиб ўтгани сир эмас.

Маълумки, 1927 йил Тошкентда ўтказилган устаҳунармандлар кўргазмаси кейинчалик доимийга айланиб, "Ўзбекистон халқ хўжалик кўргазмаси" деб атала бошланди. Кўргазма йил сайин экспонатлар билан бойитиб борилди. Амалий санъатнинг қадимий намуналари – қўл каштаси, дўппилар, заргарлик ва бошқа ижод маҳсуллари сотиб олинди. Шу асосда 1937 йил 7 июлда "Миллий ҳунармандчилик музейи" очилди. Маҳаллий саноат вазирлиги тасарруфида бўлган "Доимий ҳаракатдаги кўргазма" кейинчалик "Амалий санъат кўргазмаси" деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги қарорига асосан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига ўтди ва "Ўзбекистон амалий санъат музейи" мақомини олди.

1938 йилда музей қарамогига XIX асрга оид 1870 йилда бунёд этилган, шарқ санъатидан баҳраманд бўлган коллекционер ва элчи А.А.Половцевнинг қароргоҳи бўлган меъморий бино топширилади. У 1896 – 1904 йиллар мобайнида безалиб, пардозланган. Мазкур жараёнга Половцевнинг шахсий илмий котиби, шарқшунос М.С.Андреев бошчилик қилиб, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан моҳир халқ усталарини жалб этган. Безак ишларида тошкентлик ёғоч ва ганч ўймакорлари, наққош қўллар, халқ усталари – Шерали Хўжа Ҳасанов, Арслонқул Назаров, Тошпўлат Арслонқулов, Олимжон Қосимжоновлар, қўқонлик уста Норқўзи Норматов, риштонлик кулол уста Абдулло ва марғилонлик Умрзоқ Аҳмедовлар фаол қатнашган.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи захирасида бугунги кунда 150 йилликка оид, яъни ўрта ҳисобда уч авлодга доир миллий халқ усталарининг 8000 га яқин 20 та коллекцияни ўз ичига олган амалий санъат асарлари сақланмоқда.

Музей хазинасида қадимий анъаналар асосида яратилган, ҳар бир ҳудуд мактабларига оид амалий санъат асарлари, XIX-XX асрлар давомида халқ усталари томонидан анъанавий услубни йўқотмаган ҳолда, ўз ижодий ҳофизаси билан ривожлантириб, нафис бадиий безак билан бойитиб яратилган асарлар ҳамда бугунги кун амалий санъат тараққиётидан келиб чиқиб, ранг баранг турфа нақшлар билан безатилган асарлар сақланиб кслинмоқда.

Коллекциядан ўрин олган асарлар орасида шажаравий ҳунарманд авлоднинг ижод намуналарини ҳам кўриш мумкин. Улар бетакрор бадиий каштачилик, ёғоч наққошлиги ва ўймакорлиги, зардўзлик, гилам тўқимачилиги ва мато каби бўлимларда ўз аксини топган. Доимий экспозицияда халқ амалий санъатининг энг ноёб намуналари ҳудуд, мактаб ва йўналиши бўйича намойиш қилинади.

Музейга хорижий сайёҳ ва мартабали меҳмонлар дунёнинг кўплаб давлатларидан: АҚШ, Франция, Италия, Испания, Япония, Германия, Корея, Туркия, Афғонистон, араб мамлакатлари ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрадилар. Улар учун хорижий тилларда малакали экскурсия хизмати йўлга қўйилган.

Ўзбек халқининг асрий-маданий дурдоналарини сақловчи мазкур маскан маданий бойликни авлоддан-авлодга етказиб беришда ва сақлашда катта масъулиятга эга. Музейнинг асосий мақсади ўтмишимиз ва бой маданий меросимиз бўлмиш халқ ҳунармандчилигини нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки хорижий сайёҳларга ҳам кенг тарғиб этиш ҳамда долзарб масалаларга оид илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, шунингдек, илғор тажрибаларни амалга оширишдир. Айтиш жоизки, музейда ва ундан ташқарида мунтазам равишда катта-кичик тадбирлар, амалий санъат кўргазмалари, ижодий кечалар, матбуот анжуманлари, семинар ва маҳорат дарслари ўтказиб турилади.

Музейни кенг оммага таргиб этиш мақсадида турли йилларда кўпгина альбом-каталог, китоб, рисола ва йўл кўрсаткичлари нашр этилган. Хусусан, 2003 йилда Б.Қурбонов, Э.Эрназаров, Н.Ҳабибулласв, А.Ҳакимов, Н.Содиқова, Т.Зоитов, Ғ.Нарзулласв, И.Зупаров, Т.Дўстасв, М.Бобоназарова, З.Ҳакимов, С.Ҳасанов, Қ.Иноятов, М.Усмонов, А.Умаров, К.Турсуналисв, К.Зоҳидов таҳрири остида "Ўзбекистон амалий санъати" номли каталог, 2011 йилда Н.Талипова муаллифлигида, А.Ҳакимов, Т.Маҳмудов, Элмира Ғул, С.Алисва, К.Аджимстов, О.Файзуллаев, А.Нарзуллаев, Ж.Исмаилова, В.Файзиева, А.Мадраимов таҳрири остида "Ўзбекистон амалий санъати" китоблари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги қарори билан Ўзбекистон амалий санъат музейи негизида "Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи" қайта ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида музей фаолиятида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Музей тузилмаси замонавий талабларга мувофиқ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Миллий музей фонд каталогига экспонатлар тўғрисидаги маълумотлар 100 фоиз киритилди ҳамда нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий музей фонди давлат каталогининг электрон дастури "goskatalog.uz"га музей фондида сақланаётган экспонатлар жойлаштирилди.

Музей экспозициясининг 3D формати тайёрланди ва Ўзбекистондаги барча музейларнинг виртуал турбазаси (https://roundme.com/gallery/3185)га жойлаштирилган. Шунингдек, музейнинг ижтимоий тармоқлар (telegram, instagram, facebook) даги расмий саҳифалари, каналлари орқали интернет фойдаланувчиларига етказиб кслинмоқда. Бундан ташқари, имконияти чекланган шахсларга қулайлик яратиш мақсадида сурдо таржима шаклида экскурсия ўтиш йўлга қўйилган.

Мамлакатимизга ва бутун дунёга кутилмаганда кириб келган COVID-19 пандемияси музейда иш услуби ҳамда шаклининг бирмунча ўзгаришига сабаб бўлди. Ходимларнинг масофадан ишлаши, ўтказиладиган баъзи бир тадбирларнинг ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилиши тараққиётда ва иқтисодда янгича кўриниш берди.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи экспозиция заллари нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам севимли масканига айланган.

Зуҳра ҲОЛИҚОВА,
Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Манзилли саёҳат

Қашқадарёдаги ноёб ёдгорликлар бешталиги

Қизиқарли саёҳатга чиқиш учун хорижга бориш шарт эмас. Чунки юртимизда сиз ҳали кўрмаган, эшитмаган, аммо бутун дунёда топилмайдиган бетакрор манзиллар бисёр. Хўш, сиз бунга ишонасизми? Мисол учун, Қашқадарё вилоятида шундай жойлар жуда кўп.

Бугун Қашқадарёга борганда кўришингиз керак бўлган ноёб моддий ва маданий ёдгорликлар бешталигини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Оқсарой

"Айтишларича, бу ерда йигирма йилдан буён ишчилар ишлар экан. Ҳатто ҳозир ҳам кўп усталар ишлаб турибди. Саройнинг кириш йўли жуда узун ва дарвозаси ҳам жуда баланд. Катта дарвозалардан сўнг яна бошқа дарвоза бор... Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бўлиб, ҳовлининг эни уч юз қадам. Ҳовли орқали саройнинг энг катта биносига ўтилади. Бу бинога киришда ҳам жуда катта баланд эшик бўлиб, у олтин, ложувард ва кошинлар билан моҳирона безатилган... Бу эшик орқали тўртбурчак шаклдаги қабулхонага кирилади... Бу ердан элчиларни юқори қаватларга олиб чиқадилар. Бу ерда хоналар шунчалар кўпки, уларни бирданига тасвирлашнинг иложи йўқ. Саройдаги безаш ишларининг барчаси олтин ва қимматбаҳо тошлардан қилинганки, бунга ҳатто Парижнинг усталари ҳам қойил қолиши мумкин..." Бу испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Оқсарой ҳақидаги хотираларидан парча. Бир вақтлар 70 метр бўлган ушбу ёдгорлик ўтмиш долгалари натижасида айни пайтда 38 метрга тушиб қолган бўлса-да, ўзининг ўша пайтлардаги маҳобатини сақлаб турибди. Қашқадарёга борган ҳар бир меҳмон уни кўрмасдан қайтмаслиги керак, дейишади шу ерлик одамлар.

Лангар ота зиёраттоҳи

Қамаши туманининг Лангар қишлоғида, денгиз сатҳидан минг метр баландликда барпо этилган. Бу ерда Лангар ота масжиди ва Шайх Абулҳасан мақбараси жойлашган. Лангар ота масжиди ислом олами меъморчилик санъати билан маҳаллий халқ ҳунармандчилик услублари уйғунлигида яратилган. Бу меъморий обидани Марказий Осиёда ягона десак муболаға бўлмайди. Масжид томининг баландлиги, пойдеворига қўйилган тошларнинг улканлиги, устун ва ёғочларнинг қучоққа сиғмаслиги уни ўта маҳобатли кўрсатади. Масжид деворининг ички томонига ўрта асрлар услубида безак берилган, ўн иккита деразаси, меҳроб ва минбари тепасига намоз фарзлари, оятлар ва Фотиҳа сураси битилган. Бундан ташқари, зарҳал девор бўйлаб икки хил ёзув: арабча ҳамда оддий нақшга ўхшаб кетадиган номаълум қайдлар муҳрланган...

Динозавр изи

Ҳисор қўриқхонаси яқинидаги Қалъаи Шерон сойининг тугаш қисмида баланд кўкимтир тош қояда Юра даврига оид 190-195 миллион йил аввал яшаган 31 та динозавр изи мавжуд... Назаримизда, бу излар музейлардаги динозавр макетларидан кам таассурот бермайди сизга.

Сувтушар мўъжизавий шаршараси

Худди шу қўриқхона ҳудудида табиатнинг гўзал инъоми – баландлиги 84 метр бўлган шаршара мавжуд. Денгиз сатҳидан 2 минг 100 метр юқоридаги улкан тош қоядан тушадиган сув парчалари кўзингизни қувнатади. Шиддатли оқимдаги сув кўпириб, оппоқ тусга киради. Шунинг учун маҳаллий аҳоли уни "Сут шаршара" деб ҳам атайди. Сувтушар мамлакатимиздаги энг узун ва серсув шаршара ҳисобланади. Аммо қўриқхона ходимларининг айтишича, у йилнинг фақат апрель ва май ойларидагина пайдо бўлади.

Амир Темур ғори

Амир Темур ғори Қашқадарё вилоятида, "арслон қалъаси" маъносини англатувчи "Қалъаи Шерон" деган жойда жойлашган. Афсонага кўра, ёш саркарда Кеш (Шаҳрисабз)ни, сўнг Самарқандни забт этишга кучларни йиғиш учун ўз қўшинларини тўплаб, қишни айнан шу ерда ўтказишга қарор қилган. Аслида Амир Темурнинг мартабаларга эришиш йўли шу ғордан бошланган. Ёш саркарда нафақат кучни, балки фикрларни ҳам бир жойга йиғиб, ўша пайтларданоқ нимани хоҳлаётганини ва унга қандай эришишни аниқ билган. Дарҳақиқат, ғор том маънода шундай руҳ билан тўйинган. Кўпинча тоғларда бўлгани каби, у куч-қувват олмайди, аксинча, жасорат ва ўзига ишончни кучайтиради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Маданий-маърифий концерт

"Фарғона кеча ва бугун"

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ташаббусига кўра, шаҳардаги Республика имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабида маданий-маърифий концерт ташкил этилди.

Тадбирда "Ўзбекконцерт" давлат муассаси вилоят бўлими бошлиғи А.Султонов, Фарғона шаҳар маданият бўлими бошлиғи Баҳром Набиев, 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби рақс тўгараги аъзолари ҳамда вилоятда таниқли ва эл суйган санъаткорлар, эстрада хонандалари Иззатбек Қўқонов, "Зиё" гуруҳи, Нодирбек Холбоев, Акмал Саддихоновлар ҳам иштирок этиб, ўз чиқишлари билан йиғилганларни хурсанд қилишди.

Шунингдек, мактабнинг иқтидорли ёшлари истеъдодларини намойиш этиб, тенгдошлари олқишига сазовор бўлишди. Тадбир якунида ўқувчиларнинг ҳар бирига ҳомийлар ва бошқа муассасалар, Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Бундан ташқари, вилоят тарихи ва маданияти музейи илмий ходимлари "Фарғона кеча ва бугун" номли кўчма кўргазма ҳам ташкил қилишди. Бу томошабинларда ўзгача таассурот қолдирди.

С.К.МЕЛИБОЕВ,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Кичик кўнгилларидаги катта мақсадлар

Истеъдод ва санъат – бебаҳо инъом!

Ўзида истеъдод борлигини сезганлар уни санъат даражасига етказишга тиришадилар ва бу қобилиятни дунё тан олишини исташади.

Вобкент туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам янги истеъдодларни кашф этиш учун очилгани, шубҳасиз. Бу санъатга ошно қалблар иқтидорини юзага чиқаришда ажойиб имкониятдир.

2020-2021 ўқув йилини бошлаган 55 нафар ўқитувчи таълим даргоҳига болаларни 14 та санъат йўналишида қабул қилган. Малакали устозлардан санъатнинг сир-асрорларини ўрганаётган 298 нафар иқтидорли ёшлар қизиққан соҳаси бўйича мутахассис бўлиш учун таҳсил олишмоқда. Улар фортепиано, торли камонли, анъанавий чолғучилик ва хонандалик, достончилик, халқ чолғулари, дамли, академик ҳамда эстрада хонандалик, эстрада ижро, тасвирий ва амалий санъат, театр, хореография йўналишларида ўз истеъдодларини сайқаллашмоқда.

Кичик кўнглига катта мақсадларни туккан ўқувчи ёшлар жаҳон миқёсида ўтказилаётган халқаро кўрик-танловларда муносиб ўринларни эгаллаб, Ўзбекистон номини бутун дунёга танитмоқда.

Шу йили 4 – 6 май кунлари Парижда ўтказилган "Ле Гранд Бал де Парис" масофавий Халқаро кўрик-танловида 7 нафар ўқувчи 1-ўринга, 5 нафар ўқувчи 2-ўринга ҳамда 1 нафари "Гранд При" мукофотига сазовор бўлишди. 4 – 6 июнь кунлари иккинчи бора ўтказилган худди шу мусобақада яна 6 нафар тумандошимиз қатнашиб, 1-, 2-, 3-ўринларни ҳамда "Гранд При" мукофотини қўлга киритишди. Бир ой ўтиб, мазкур танлов яна ўтказилди. Унда иштирок этган 7 нафар ўқувчидан 1 нафари 1-ўрин, 2 нафари 2-ўрин, қолганлари 3-ўрин ҳамда "Гранд При" мукофотларига эгалик қилишди. Халқаро кўрик-танловда фаол қатнашиб, юксак мартаба-ларни эгаллаган ўқувчилардан ота-оналари ва устозлари хурсанд.

Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни тарбиялаган бу таълим даргоҳи уларнинг олийгоҳ ва санъат мактаб-интернатларида келгуси фаолиятларини олиб боришлари учун замин яратди. Жумладан, 8 нафар битирувчи ёшлар Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Бухоро давлат университетларига ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтишди. Санъат мактаб-интернатларига эса 6 нафар ўқувчи қабул қилинди. Шунингдек, мақом мактаб-интернатига ҳам 2 нафар қизиқувчи ёшлар ҳужжат топширишган. Ҳозирда улар мусиқа санъатини янада чуқурроқ ўрганиб, "Ниҳол" мукофоти совриндори, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" унвонларини олиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Биз уларнинг фаолиятларига омад тилаб, эл ардоғидаги санъаткор бўлишларини дилдан истаб қоламиз.

Азим АХТАМОВ

Бош қомусимиз

Шаҳрихонда ўтган байрам

2020 йилнинг 7 декабрь куни Шаҳрихон туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда маданият маркази ҳамкорлигида 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамона нишонланди.

Тадбирга туман ҳокими Ҳ.В.Дадахонов, халқ таълими мудири Р.Матбобоев, шунингдек, мутасадди ташкилот раҳбарлари ташриф буюришди. Байрамда 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ҳамда ўқувчилари ижодий чиқишлари, куй-қўшиқлари, рақслари билан иштирок этиб, барчага кўтаринки кайфият улашди.

У.МАМАДАЛИЕВА, Шаҳрихон туман 10-БМСМ директори

Саёҳатдан хотиралар

Бугун ўқишга киролмаган, тақдирга тан бериб, рўзғор камчилигини тўлдиришни ўз гарданига олган йигит борки, тўй қиламан ёки уй қураман деб мусофирчилик нонини тотиб кўряпти...

Балки, сизга кулгили туюлар, лекин Россияда кўрган-кечирганларим ҳозиргача тушимга кириб чиқади. Гўё тушим билан ҳушим алмашиб қолгандек...

Мусофирнинг қадри бўлмайди(ми?)

Кетишга жуда шошилганим ва молиявий томондан "қисилганим" сабаб узоқ юртга йўл машинаси билан отланишга мажбур бўлдим. Самолётга ҳали бирор марта чиқмаганим учун кўнглим кўкка парвоз қилишни ҳам хоҳлади, бироқ барибир машинада кетишимиз аниқ эди. Уйдан анча узоққа, бошқа бир давлатга чиқишга илк бора аҳд қилгандим ўшанда.

Бизни шунчаки ишчи сифатида чақиришганди. Ҳа айтганча, ёнимда 55 – 60 ёшлардаги шеригим ҳам бор эди. Исми Норбой ака. Нос чекавериб тишлари сўйлоқлашиб кетган. Гаплари ҳам кулдиришга мойил. Латифани, ҳазилни "қотиради". Ўзининг айтишича, кўп марта "ЛАВА" (бизни чақираётган завод)да бўлган экан. Ичим қизиб, ундан бораётган жойимиз ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қиламан. У эса эринмай таърифлайди. Менинг бўлса, ишшайган огзим ёпилмайди.

Қорақалпоқдан Қозоғистон ерларига ўтаётганда жуда ёмон аҳволда қолдик. Юкларимизни қўлимизга тутқазган ҳайдовчининг ўзи "таможний"дан қайтиб чиқмади. Чўнтагимда 1000 рубль пул бор, аммо олдинда ҳали "чиқимлар" кўп. Биринчи тўсиққа қозоқ чегарасида дуч келдик. Текширув назорати учун "ширин гаплар" билан ҳар биримиздан 400 рублдан қабул қилиб олишди. "Нега энди?" деяётгандирсиз? Ўзим ҳам буни анча ўйладим. Лекин ўша кунги хулосам шу бўлдики, агар пул бермасак, ялиниб-ёлворсак ҳам Қозоғистон чегарасига киролмасдик. Ҳа айтганча, яқинда бир танишим ўша тартиб (400 рублдан пул тўлаш) йўқолибди деб айтиб қолди. Мен ҳам қора меҳнат қилиб келаётган ўзбекларнинг нони яримта бўлмайдиган бўлибди-да, – дея суюндим.

Қозоғистон "таможний"сида ҳам шовқин-сурон, пала-партишлик авжида. Одамлар кўплигидан навбатнинг боши кўринмайди. Бахтга қарши тушлик бўлиб қолди. Текширув тақа-тақ тўхтади. Десярли ярим аср кутдик. Кўплар кўтариб ўтаётган сумкаларига ёнбошлаб мизғиб ҳам олишди. Баъзилар серрайиб туришдан чарчаб, ерга чўккалади, диққанафас бўлиб яна ўрнидан турди. Хуллас, охири назоратчи келди. Олдида 3-4 та ҳарбий ҳам бор. Улар ҳаммани тартибга чақира бошлашди. Гапга кўнмаган, тиқилгансурилганлар яхшигина сўкиш билан "сийланди". "Эҳ, қанийди, манави нусха маҳалламдан бўлиб қолганда", дея ўйлайман, ҳаммани сўкиб, уюрни ҳайдагандек одамларни сураётган ҳарбийни кўриб. "Роса таъзирини берардим", деб тишларимни гичирлатаман. У бўлса, менинг юзимдаги ўзгаришни дарров пайқайди. Кўзларини чақчайтириб қарайди. Мен ҳам бўш келмайман, лекин у барибир устун. "Кўй жўра, сен маҳаллангда эмассан, бу – Қозоғистон" дея ўзимга ўзим шивирлайман.

Ниҳоят, менинг ҳам навбатим келди. Тиқилиб-сурилиб, бир амаллаб одамлар орасидан ўтганимда, сумкаларимдан бири оломон орасига қисилиб қолса. Ҳайҳайлаганча юкимни чиқариб олишга уринаман. Ҳалиги ҳарбий типирчилашимни кўриб, мени сўкади. Эшитмаганга оламан. Фикру хаёлим қўлимдаги сумкамда. Ахир ичига мусофирчиликда "қадрли" нарса, қуруқ носдан икки "баклашка" солиб олганман.

...Ҳайрият, носни ҳам олиб ўтдим. Бирини олиб қўйишса-да, иккинчисини пайқашмади.

Шерикларим билан лўкиллай-лўкиллай юкларимизни кўтарганча "таможний"дан чиқамиз. Энди машина келса бўлди. Бироқ...

Шу кунни кўчада, бегона юрт тупроғида, очиқ осмон остида ўтказишга тўғри келди. Бир ёқдан қорнимиз жуда очган, бир ёқдан изиллаган совуқ кийган кийимимизни назар-писанд қилмайди. Тун ярмида ялиниб-ёлвориб бир уйдан ижарага хона олдик. Иссиқ жой топганимиздан севиниб, юкларимизни таший бошладик. Шу пайт одам билан тўла "Газел" ёнимиздан ўтиб тўхтади. Ичидан йўловчилар тушиб, "Газел" жўнаб кетди. Улар орасидан бир йигит ҳожатга шошилиб, бепоён дала томон югурди. Бироздан сўнг қайтади-ю, лекин ортидан икки нафар қозоқ йигитини эргаштириб келди. Қўлига сумкаларини олиб, "таможний" эшиги томон йўналаётган йигитни икковлон тўхтатишди ва пул талаб қила бошлашди. Йигит сабабини сўраганида, улар қўли билан ҳеч нарса кўринмайдиган зимзиё даштликни кўрсатишди. Йўловчи юзида қўрқув пайдо бўлиб, нажот ила атрофга олазарак қарайди, бироқ ҳеч ким ёрдам бермагач, чўнтагидан пул чиқариб узатади. Икки қозоқ бу кам дегандек порози бўлишади. Ҳалиги йигит эса "бор пулим шу", деб ўзбекча жавоб беради. Гапини тушунар-тушунмас иккаласи ҳам нари кетади. Лекин яна тезда ортларига қайтиб, шу орада ғафлатда қолган йигитни аста етаклаганча қаторлашиб турган машиналар ортига олиб ўтишади.

Биз эса юкларимизни ташиб бўлгач, қорин тўйдириш учун егулик қидирамиз. Шу пайт ҳалиги йигитга кўзим тушади. Елкасига ўзидан икки баробар катта сумкасини ортволиб, "таможний" ҳовлисига кириб кетяпти. Кетида тупроққа роса бўккан этик излари қолган...

Ишонган машинамиз бизни аросатда қолдиргач, пулимиз, яна майда-чуйда нарсаларимизни олиш учун юртимиз ҳудудига қайтишга мажбур бўламиз. Орада яна 400 рублдан атаганимизни ташлаб ўтамиз. Ватанимиз чегарасидан шу ергача олиб келган машинани топамиз. У куюнганча бўлган воқеаларни гапира кетади. Кейин бор пулини қўлимизга тутқизади. Биз яна "эҳсон"ларни улашиб, Қозоғистонга ўтамиз. Хуллас, олган пулимиз 3-4 қатлам камаяди.

Энди бизни манзилга олиб бориб қўядиган машина топишимиз керак. Буни қарангки, пулинг бўлса, муаммоинг осон ҳал бўларкан. Хуллас, транспорт ҳам дарров топилди. Юкларимизни жойлаб, ўриндиққа яхшилаб ўрнашиб олдик. "Микроавтобус"да биздан бошқа йўловчи йўқ. Шунинг учун ўриндиқларда эмин-эркин ўтириб кетамиз.

...Тонгга яқин бир жойда тўхтадик. Оёқ чигалларини ёзиш учун машинадан тушдик. Тушдигу оғзимиз лангочилди. Қарасак, бепоён ўрмон ичида турибмиз. Теп-текис йўл. Охири ҳам, боши ҳам кўринмайди. Икки томони узун-узун дарахтзор. Бошингизни кўтармасдан қаролмайсиз. Ҳайдовчи йўл четида чўгирмаларни "ярмарка" қилиб сотаётган дўкон томон кетди. Мен эса ўрмонга қараб тўймайман. Ичимда нимадир бостириб келаётгандек бўлавсради. Йўл ўртасига чиқиб, узоқ узоқларга қарайман. Текис ва тиниқ йўл олисларга чўзилиб кетган. Осмонда кузнинг ёмғирга тўйинган булутлари оғир сузиб юрибди. Намиққан тупроқ ва ўрмоннинг ёқимли чиринди ислари димоққа уриляпти...

Ярим тунда Москвага етиб бордик. Машинадан тушганда яна ақлимиз шошади. Қаршимизда "Москва-Сити" турибди-да. Ойнадан қад ростлаган уч бино чироқ нуридан олмосдек товланади. Бинолар ёнидан узун кўприк ўтган. Унинг остида дарё жилоланиб оқяпти...

Давоми бор...

О.АБДИЕВ

Эълон!

1991 йил 23 июлда В.И.Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат Университети томонидан Муслимова Нилуфар Улуғбековнага берилган ва 35634-сон билан рўйхатга олинган ФВ №957152 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли у ҳақида маълумотга эга шахсдан топилмалар идорасига мурожаат этишини сўраймиз.

Концерт дастури

"Болалардан болаларга"

Бутун дунёда 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни деб белгиланган. Уни нишонлаш тўғрисидаги қарор 1983-1992 йилларни қамраб олган ногиронлар 10 йиллиги охирида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинди. Шу 10 йил ичида ногиронлар ҳолатини яхшилаш ва улар учун кенг имкониятлар яратиш, хабардорликни ошириш ва чора-тадбирлар кўриш ишлари амалга оширилди. Дунёда тахминан 1 миллиардга яқин ногирон яшайди ва уларнинг барчаси жамият ҳаёти кенг кўламли, самарали ва тенг ҳуқуқли иштирокини чеклайдиган жисмоний, ижтимоий-иқтисодий тўсиқларга дуч келади. БМТ маълумотларига кўра, асосан таълим ва меҳнатда. Улар, шунингдек, согликни сақлаш ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий кўмак каби асосий манбалардан тенг равишда фойдалана олишлари зарур. Шу муносабат билан 2020 йил 2 декабрь куни Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби томонидан Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 6-мактабгача таълим муассасасида "Болалардан болаларга" шиори остида концерт дастури ўтказилди. Унда муассаса ўқувчилари жозибадор куй-қўшиқлари билан иштирок этиб, кечага ўзгача завқ бағишлашди. Айниқса, рақс тўгараги аъзоларининг чиқишлари кичкинтойларни ўйинга чорлади. Санъат йўналиши ўқувчилари томонидан чизилган расмлар болаларга тақдим этилиб, хуш кайфият улашилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги ёшлар парламенти аъзоси С.Нуриддинова тарбияланувчилар ўртасида сўз ўйинлари, топишмоқлар айтиш мусобақасини ташкиллаштириб, барча иштирокчиларга совғалар тақдим этди. Зеро, ўксик қалблар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

Х.ТОЖИБОЕВА, 18-БМСМ директори

Ижрочилик маҳорати

"Чортоқ тонги"

Мустақиллик шарофати билан маданий ҳаётимизда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, унутилаётган миллий қадриятлар, кўп асрлик маросим ва урф-одатларнинг тикланиши, айни пайтда "Ўзбекистон – Ватаним манам", "Асрлар садоси", "Санъатимиз усталари", "Ягонасан, муқаддас Ватан", "Камалак юлдузлари" каби қатор танловларнинг ўтказилиши халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутиши баробарида, ўз ватанига муҳаббатли, халқига садоқатли баркамол авлод етишишида ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Шу билан бирга ўзбек мусиқасининг кўп асрлик бадиий анъаналари ҳамда Шарқ халқлари мусиқаси билан қадимдан муштараклиги жаҳон афкор оммасига етказилаётгани янада қувонарлидир.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан маданият соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бунга яққол мисолдир.

Ушбу қарор халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маданий меросини асраб авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ҳамда мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳам қабул қилинди.

Ёш истеъдодли кадрларни тайёрлаш ва уларни ватанпарварлик ва юксак маънавият руҳида тарбиялаш, бунда замонавий илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, илғор халқаро тажрибалардан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ўқув юртларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, ижодий жамоаларини ва муаллифлари асарларини, жумладан, конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманларни ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек, маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш масалалари ҳам биз маданият ходимларини руҳлантирмоқда.

Чортоқ туман Маданият бўлими тизимидаги **"Чортоқ тонги"** ашула ва рақс халқ ҳаваскорлик ансамбли ходимлари томонидан 2020 йил **"Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"**да ҳамда давлатимиз раҳбари белгилаб берган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, шунингдек, **5 та муҳим ташаббус** бўйича алоҳида белгиланган режага кўра қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг Давлат дастури доирасида ҳамда турли ижтимоий-сиёсий соҳалар бўйича алоҳида белгиланган саналарга бағишлаб, истиқболли иш режалар тузилди ва улар асосида аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун оммавий, маданий-маърифий, мусиқий тадбирлар, концерт дастурлари ташкиллаштирилмоқда.

"Чортоқ тонги" ашула ва рақс халқ ҳаваскорлик ансамбли 1989 йил Наманган вилояти Чортоқ тумани Маданият маркази қошида ташкил этилган. Ўша даврда унга Ш.Хамрохўжаев бадиий раҳбарлик қилган. Ансамбль илк фаолиятини бошлаган вақтда тумандаги иқтидорли санъаткорлар, созандалар ва турли касб эгалари, жумладан, М.Раҳмонов, М.Инамов, А.Холмирзаев, Н.Отахўжаев, З.Хамидов, А.Болтабоев, О.Хайдаров, Қ.Исманова, Д.Ибрагимова, И.Мўминов, А.Назиров, Р.Абдуллаевлар унинг фидойиларидан саналган.

Ҳозирги кунда унга К.Абдурасулов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ансамблда хонандалардан А.Болтабоев, Д.Ғайназаров, Ф.Муродов, Т.Нишонов созандалардан Б.Обидхўжаев, Т,Давлатов, Э.Бобохонов, М.Холбоев, А.Назиров, И.Мўминов ва 30га яқин ёш хонанда ва созандалар фаолият олиб боришмоқда. Ижодкорлар асосан ойлик, йиллик репертуар режа ва йиллик дастур бўйича иш олиб боришади. Ансамбль жамоаси бир қатор мумтоз қўшиқлар, мақомлар, ватанни мадҳ этувчи ашулалар устида ишлашяпти. Мақом қўшиқларидан **"Бухоро тўлқини"**, **"Соқийпомаи сафти калон"**, **яллалардан "Грифторман яна"**, **"Парво этиб кел"**, **"Дилхирож"**, **"Айлагач"**, куйлардан **"Интизор"**, **"Насри сегоҳ"**, **"Фаввора"** ва бошқалар устида ишланяпти.

"Чортоқ тонги" ансамбли иштирокчилари марказий ва вилоят телевидениеси ҳамда радио эфирларида хушовоз хонанда А.Болтабоев ташаббуси билан тўғридан-тўғри жонли чиқишлар, ўқув юртлари, ташкилотлар, халқ сайилларида ва кўплаб кўрик-танловларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришмоқда.

Келгусида ансамблнинг ижрочилик маҳорати бундандан юқорилаб, миллий урф-одатларимиз, қўшиқу мақомларимизни нафақат республикамизда, балки жаҳон миқёсида намойиш этишга муваффақ бўлади, деган умиддамиз.

Фозилжон МУРОДОВ,
Чортоқ туман маданият бўлими бадиий раҳбари

Аждодлар мероси

Ат-Термизий абадий қўним топган жой

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг халқаро ва ички туризмни ривожлантириш тўғрисидаги қарору фармойишлари ижросини таъминлаш мақсадида "Термиз" давлат музей-қўриқхонаси томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, вилоятдаги барча тарихий обидалар ва қадамжоларга экскурсиялар уюштирилди. Айниқса, бу жараёнга Термиз шаҳри ва туманидаги барча олий ўқув юртлари ёшлари ҳамда кўплаб ташкилотлар жалб этилди. Экскурсия давомида иштирокчилар термизийлар тарихига жуда кизиқишди.

Шу мақсадда бугун биз Ал-Ҳаким ат-Термизий тўғрисида маълумот бермоқчимиз. У кишининг абадий қўним топган жойи Термиз шаҳридан 10 км. бўлиб, Афғонистон ва Ўзбекистонни кесиб ўтган Амударё соҳилида ўрнашган. У Мироншоҳнинг ўғли Халил султон томонидан қайта тикланган.

Ат-Термизийнинг асл тўлиқ исми – Абу Абдул Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Башир (айрим манбаларда Бишир) бўлиб, 750-869 йилларда яшаб ўтган ҳамда Ал-Ҳаким тахаллусини олган. У киши 96 шайхлардан бири саналиб, 120 йилдан ортиқ умр кўрган. Шунда ҳам ўз ажали билан эмас, айрим мутаассиблар томонидан шаҳид этилган.

Ёзма манбаларда Ҳаким ат-Термизийнинг устозлари ҳақида ишончли маълумотлар келтирилган. Унинг илк устози – отаси Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизий бўлган. Ал-Хотийб ал-Бағдодионинг «Тарихи Бағдод» асарида ёзилишича, яна бир устози Қутайиба ибн Сайид ас-Саккофий ал-Балхийдир. У киши: Қори, Ҳаким, Ҳофиз, Шайх ва авлиё даражаларига етган. Илм излаб, Шарқнинг бошқа шаҳарларига борган, Маккада бўлиб, Байтуллоҳни зиёрат қилган.

Ҳаким ат-Термизийнинг шогирдлари ҳам кўп бўлган. Булар: Абу Муҳаммад Яҳё ибн Мансур ал-Қозий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Журонийлардир. Абдулфатоҳ Абдуллоҳ Баракининг ёзишича, Ҳаким ат-Термизийнинг тўрт юз асаридан олтмишга яқини бизгача етиб келган. 291 ҳадисни ўз ичига олувчи "Наводир ал-Усул" асари Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхона фондида сақланади. Яна бошқалари – "Китоб ҳақиқат ал-китобия", "Китоб ал-Салот", "Китоб ал-хожин асрорихи", "Китоб ал-эҳтиотот", "Китоб ал-Фуруқ" асарлари эса қўлёзма тарзида етиб келган ва улар дунёдаги турли фондларда сақланмоқда. Жумладан: Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истанбул ва Лондонда. Шунингдек, Париж миллий кутубхонасида (Араб бўлимида 5018 Инвентар остида) ҳам сақланади.

Зоти шарифнинг дунёвий фанлардан ташқари диний билимларни эгаллаши Шайх Авлиё даражасига етишига, ривоятларда келтирилишича, мусофир кўринишида Хўжаи Ҳизир Алайҳиссаломдан дарс олганликлари ва Авлиёлик хислатлари берилгани билдирилган. Айниқса, табобат соҳасида ёзган китоблари – "Ал-Шифо" жуда машҳур ҳисобланади. Аллома табобат сирларини онасидан ўрганган. Кўплаб беморлар дардига даво топган.

Ҳозирги вақтда ҳам табобатимизда алломанинг бизга қолдирган даво усуллари қўлланиб келинмоқда. У кишини зиёрат қилувчилар ана шундай буюк аждоднинг авлоди эканликларидан фахрланадилар. Келажак авлодга Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий меросини етказишда ота-боболаримиздан бизгача мавжуд бўлган осори-атиқаларни асраб-авайлаш ва термизийлар тарихини тарғиб қилишда давом этамиз.

Ш.РАМАЗОНОВ, Ф.ЙЎЛДОШЕВ,
"Термиз" давлат музей-қўриқхонаси ходимлари

Мулоҳаза учун мавзу

Нега бизда "Оталар куни" нишонланмайди?

Талабалик даврида "Тили ўрганилаётган мамлакат маданияти" номли фандан сабоқлар бўларди. Жаҳонда инглиз тилида сўзлашадиган давлатларнинг анъана ва урф-одатлари, миллий байрамлари, қўйингки, қандай ўзига хосликлари бўлса, тўлиқ ўргатиларди.

Ушанда "Оталар куни" ибораси эътиборимни тортган ва бу ҳақда доимо маълумотлар излашга қизиққанман. Қарангки, бу байрам сайёрамизнинг 111 давлатида нишонланар экан.

Аммо юртимизда бундай ажойиб куннинг мавжуд эмаслиги бироз кўнгилни хира қилади. Масалан, Сонора Смарт Додд (1882-1978) хоним АҚШда Оталар кунига асос солган машҳур аёл ҳисобланади. Додднинг онаси олтинчи фарзандга кўзи ёраётган вақтда оламдан ўтади.

Олти фарзандни оқ ювиб-оқ тараш, камолга етказиб улғайтириш ёлғиз отаси, фуқаролар уруши фахрийси Уилям Жексон Смарт зиммасига тушади. Ёш хоним жонкуяр отасининг фарзанд тарбиясига алоҳида эътибори, болаларга чексиз муҳаббати, бу йўлда тортган азобу уқубатлари, рўзгор тебратиш борасидаги қийинчиликларига шахсан гувоҳ бўлади. У йиллар ўтгани сайин бор кучини оталарни улуғлаш, уларнинг қадрига етиш ва ҳурматини жойига қўйиш бўйича улкан таргибот ишларига сарфлади.

Додд 1972 йил 90 ёшга кирганида Президент Ричард Никсон ушбу кун ҳақидаги декларацияни имзолаб, "Оталар куни"ни миллий байрам сифатида кенг нишонлашга рухсат бергунга қадар бутун умрини шу эзгу мақсад йўлига бахшида этди.

Барча давлатларда ҳар хил саналарда бўлгани каби нишонлаш усули ҳам турличадир. Масалан, Тайландда 8 августда, Непалда август ойи охирида ёки сентябр ойи бошида, Германияда май ойи якунида нишонланса, Афғонистон, Малайзия, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа юртларда июнь ойи сўнгида ўтказилади.

Бироқ қаерда, қачон бўлмасин ушбу куннинг маъноси ва мақсади умумийдир.

Бироқ бу кун негадир Ўзбекистонда нишонланмайди. Оталаримиз биз фарзандлари учун бору жаҳонини беришади. Осон бўлмаган бу мураккаб дунёмизда рўзгор тебратиш учун ҳатто инсон оёги стмайдиган энг шимолдан тортиб, Африкадаги давлатларгача риск-рўзини териб келишади. Қишин-ёзин далаларда меҳнат қилиб, топган яримта нонини ҳам оиласига ташишади.

Улар бизнинг суянчимиз, ишонган тоғларимиз, оиламиз қўрғонларидир. Бизнинг дунёга келишимизда асосий сабабчи бўлган улуғ зотлардир.

Тўғри, биз 14 январда барча эркакларни табриклаймиз, аммо у кўпроқ Ватан ҳимоячилари, ҳарбийларимиз байрамига ўхшайди, қолаверса, барча эркаклар ўша кунда ҳам ишлашади.

Масъулиятли, фидокор ва меҳрибон оталаримиз учун йилда бир марта дам олиш куни эълон қилиниб ёки дам олиш бўлмаса ҳам, байрам куни деб нишонланиши мақсадга мувофиқдир.

Бу кунда барча оила даврасида жамулжам бўлса, ширин таомлардан тотиб, меҳрибон оталаримизга чексиз эҳтиромларимизни намойиш этсак. Улар қалбини хушнуд этиб, умрига умр қўшсак, қандай яхши, тўғрими?! Оталар ҳақида қўшиқлар битилса, кўрсатувлар ва эшиттиришлар берилса...

Албатта, инсон қалбини бахтиёр этишнинг усуллари ҳам, йўллари ҳам кўп. Агар бунга умуммиллат даражасида қаралса, янада жозибалироқ кечарди.

Наргиза РАҲМОНОВА,
инглиз тили ўқитувчиси

Халқаро ҳамкорлик

Истанбулга хизмат сафари

Ўзбекистон билан Туркияни муштарак тил ва тарих, ўхшаш маданият ва анъаналарга асосланган яқин дўстлик ва қардошлик муносабатлари бирлаштириб туради.

Шу кунларда Туркия Республикасининг "GURSOY GROUP" компанияси таклифига кўра, Ўзбекистондан 12 кишилик реставраторлар делегацияси Истанбул шаҳрига йўл олишди. Улар тарихий шаҳарда амалга оширилган ва эндиликда йўлга қўйилаётган реставрация ва консервация ишлари билан танишиб, тажриба алмашишни мақсад қилишган.

Делегация аъзолари хизмат сафарининг биринчи кунидаёқ «Авлиё София», «Топкапи» саройи ҳамда "Истанбул археология музейи" мажмуаларида амалга оширилаётган реставрация ва консервация ишлари билан яқиндан танишиб, улар билан тажриба алмашиш жараёнларига киришиб кетишди.

Ғолибларни қутлаймиз!

Зафар қучиш ёш танламайди

Яратган томонидан берилган қобилият ва тинимсиз меҳнат кун келиб ўз натижасини беради. Бу ўринда устоз ва мураббийларнинг хизмати ҳам катта, албатта. Мирзаобод туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактаби ана шундай истъдодли ўқувчилар ҳамда жонкуяр устозлар масканидир. Ушбу таълим даргоҳидан кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Хусусан, тасвирий санъат йўналиши бўйича мактабнинг 5-синф ўқувчиси Самандар Сулаймонов октябрь ойида Москва шаҳрида ўтказилган **"Золотой Кубок России"** кўрик-фестивалининг Халқаро 1-даражали лаурсати дея тан олинган бўлса, ноябрда 2-синф ўқувчиси Баҳорой Яхшиликова Россиянинг Пермь шаҳридаги "Виктория" болалар ижодиёти фонди томонидан ташкил қилинган II халқаро болалар ва ёшлар ижодиёти кўрик фестивалида Халқаро 1-даражали, 5-синф ўқувчиси Шаҳло Акромова Халқаро 3-даражали лауреатини қўлга киритишди. Ушбу фестивалда ёғоч ўймакорлиги йўналиши бўйича қатнашган 2-синф ўқувчиси Диёрбек Шерқуловга эса Халқаро 1-даражали дипломант номинацияси топширилди.

Мактаб мусиқа йўналишида ҳам ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришмоқда. Жумладан, 6-синф ўқувчиси Ситора Абдулахатова скрипка йўналиши бўйича Москва шаҳрида ўтказилган **"Музыкальная столица"** кўрик-танловида Халқаро 3-даражали лауреати, 30 ноябрда эса Италиянинг Санремо шаҳридаги **"The official international competitions in Europe"** кўрик-фестивалида Халқаро 2-даражали лауреатига сазовор бўлди.

4-синф ўқувчиси Шохжаҳон Қамбаров эса фортепиано йўналишида Москва шаҳрида ўтказилган **"Academy-Kreative"** VII Халқаро ижодиёт кўрик-фестивалининг Халқаро олий ўрини – "Гран-При" соҳиби деб топилди.

Ғолибларни ҳамда мактаб маъмуриятини қутлаб, ютуқлари бардавом бўлишини тилаб қоламиз!

Онлайн танлов

Ғолиб бўлган ёш рассомлар

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ёш рассомлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро онлайн кўрик-танловида Шаҳрисабз шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг Тасвирий ва амалий санъат бўлими ўқувчилари Азиза Баратова ва Асилабону Тўраевалар ҳам иштирок этишди. Ва фахрли 1-ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланишди.

Шунингдек, уларга рассомчилик сирларини ўргатган ўқитувчиси Моҳидил Ғайратова ҳам алоҳида эътироф этилиб, махсус диплом топширилди.

Тарихга назар

Диёримизда хор куйлари узоқ тарихга эга. Нота ёзувлари бўлмагани сабаб халқимизнинг мусиқий ижоди оғиздан-оғизга ўтиб келган. Шу кунгача сақланган моддий бойликлар, деворларга туширилган тасвирлар ва қадимий ёзма ёдгорликлар ҳам хор санъати яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Келажаги порлоқ санъат

Ўзбекистонда кўповозли хор ижрочилиги XIX асрнинг охирларидан ривожлана бошлади. XX аср янги ўзбек мусиқаси – кўповозли мусиқанинг шаклланиш даври бўлди. "Мусиқа жамияти" фаоллиги натижаси ўлароқ, улар қошида турли мусиқа тўгараклари, ҳаваскорлик хор, симфоник, рақс жамоалари ташкил этилди. 1898 йил Тошкентда "Лира" хор жамиятига асос солиниб, унинг раҳбари ҳарбий капельмейстер В.Лейсек бўлган.

Ўрта Осиё халқлари юз йиллар олдин ҳам бой мусиқа маданиятига эга эл сифатида шаклланган. Қўшиқлар, рақслар, халқ мусиқа чолғуларини чалиш байрамларда, турли маросимларда, ҳарбий юришларда ўз ифодасини топган. Тинчлик даври қўшиқлари халқнинг меҳнат фаолияти жараёнида вужудга келган бўлиб, бир ёки бир неча кишилар томонидан куйланган. Лекин улар ҳозирги маънодаги хор ҳисобланмаган, чунки ўзбек мусиқаси узоқ йиллар давомида бир овозлилик назарияси асосида ижро этилган.

Шу кунгача етиб келган йирик вокал-чолғу асарлари бўлган мақомларнинг маълум бир қисми ҳам хор сифатида куйланган. Хор қўшиқлари, айниқса, диний маросимлар ва халқ оммавий байрамларида катта аҳамият касб этган. Анча кенг тарқалган ашулалар, хусусан, яллалар фақат аёллар томонидан, одатда бошланишида "сарахбору ялла" ижро этилиб, нақорати "хор" бўлиб айтилган.

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё мустамлакачилик сиёсати туфайли турли йўллар билан Россия империяси томонидан босиб олинди. Халқлар маданияти ва санъатига, асосан мусиқа ривожига кескин қаршилик кўрсатилди. Натижада хор қўшиқчилиги энг кам ривожланган ўзбек халқ ижодига айланди. Яъни ўша даврда янги турмушга мос санъат тури вужудга келаётганди. Асосий вазифа: ўзбек халқини кўп овозли мусиқа санъатидан баҳраманд этиш эди.

Ўзбек халқ қўшиқларидан янги замон мусиқа санъатига ўтиш вақти етиб, бастакорларимиз олдида вокал хонандалик билан чолғучилик ўртасида юзага келган икки овозли хонандаликдан фойдаланиш вазифаси турарди. Уни муваффақиятли бажаришда рус мусиқа санъати арбобларидан В.А.Успенский, Е.Е.Романовская, Н.Н.Миронов, В.М.Глиер, Г.А.Мушел, С.И.Василенко, А.Ф.Козловский ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди.

XX асрнинг 30-йилларига келиб, Ўзбекистонда хор ижрочилиги тушунчаси аста-секинлик билан ривожлана бошлади. 1936 йилда Ўзбекистон давлат филармонияси ташкил топди. Катта ансамбллар қатори хор жамоаси ҳам тузилди. Унга Н.Н.Миронов раҳбарлик қилди. 1952 йилда С.А.Валенков ва А.Султоновлар ўз фаолиятларини давом эттиришди. 1960 йил ҳукумат қарорига билан Ўзбекистон телерадиоси қошида яна бир хор жамоаси ташкил қилинди. Ушбу жамоада Ботир Умеджонов дирижёрлик фаолиятини олиб борди. 1964 йилда эса "Булбулча" болалар хор жамоаси ташкил топиб, унга Шермат Ёрматов бадиий раҳбар ва дирижёр этиб тайинланди.

Келинг, қуйида хор жанрининг келиб чиқиши ва мазмуни билан танишамиз.

ХОР атамаси юнонча "чорос" сўзидан олинган бўлиб, "жамловчи тушунча", "йиғин, жамоа" – махсус уюштирилган хонандалар жамоаси деган маъноларни англатади. Хор тури тузилишига қараб аниқланади. Турига кўра: бир жинсли, яъни болалар, аёллар ва эркаклар ёки аралаш бўлиши мумкин. Аралаш хор таркиби – аёллар ёки болалар ва эркаклар овозидан тузилади. Бир жинсли хорга бошқа жинсдагилар қўшилишидан ҳосил бўладиган хор – нотўлиқ аралаш хор дейилади. Хорнинг сон жиҳатдан таркиби: кичик, ўрта ва катта бўлади. Энг кичик хор – 12,16,30, ўрта хор 30 дан 60 гача, катта хор одатда 80 – 120 кишидан иборат.

Ижро фаолияти йўналишига қараб хор жамоалари – капелла, ашула ва рақс ансамбли, опера хори, ўқув хори ва ҳоказоларга бўлинади. Хордаги партиялар номланиши: сопрано, альт, тенор, бас кабилардир.

Бугунги кунда дунё бўйлаб миллий ва халқаро фестиваллар, танловлар, концерт томошалари ҳамда бошқа хор байрамлари ўтказиб келинади. Бу санъат жанрида машҳур профессионал жамоалар ҳаваскорлик мактабидаги хор жамоаларидан ўзининг халқчил ва оммавийлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Ўзбекистон давлат академик капелласи, Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги хор жамоаси, Ёшлар симфоник оркестри, театрлар, махсус ва умумтаълим ўқув юртлари, академик лицейлар, турли болалар хор жамоалари ўз фаолиятларини кўрсатиб келмоқда. Улар ҳам хор санъати ривожига малакали дирижёрлар, хормейстерлар ёрдамида ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ўзбекистонда хор санъати шаклланишига назар ташлар эканмиз, бир томондан композиторлик ижодиёти ривожланаётгани, иккинчи тарафдан мусиқали театр ва кўповозли ижрочилик жамоалари ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқлигини кузатамиз. Чунки композиторлик ва ижрочилик жамоалари ўртасида юзага келган бундай ижодий жараён ижрочилар ҳамда ижодкорларнинг бир-бирига ўзаро таъсири кучайиши, янги бир ижрочилик санъатидаги ҳодиса сифатида ривожланиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.

Ўзбекистонда хор санъати ўзининг бадиий анъаналари, маҳорат намуналари, тасвирий ва ифодавий воситаларига эга бўлди. У шаклланишининг дастлабки даврида маърифий ва тарбиявий вазифаларни бажариб, турли мумтоз ҳамда замонавий композициялар тарғиботчисига айланди. Ҳозирги кунда ушбу вазифа профессионал хор жамоалари зиммасига тушган. Шу қаторда, ёш ижодкорларнинг хор санъати ривожига қўшаётган ҳиссаси, улар томонидан яратилаётган асарлар дунё мутахассислари эътиборида бўлиб, эътироф этилаётгани Ўзбекистонда хор ижрочилиги ва композиторлик санъатининг келажаги янада порлоқ эканидан далолатдир.

Гуласал ИМОМНАЗАРОВА,
Қува тумани 13-БМСМ
хор синфи ўқитувчиси

МАДАНИЯТ
ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371) 256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8212 Буюртма - Г - 1227
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти - 23.30
Топширилди - 23.00
1 2 3 4 5 6